

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОРАЗЫМБЕТОВ ЕРМЕКБАЙ КЕУЛИМЖАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРНИ
ВАТАНПАРВАРЛИККА ТАРБИЯЛАШ АНЪАНАЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Оразымбетов Ермекбай Кеулимжаевич

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш
анъаналари..... 3

Оразымбетов Ермекбай Кеулимжаевич

Традиции воспитания молодежи к патриотизму в каракалпакской
народной педагогике..... 25

Orazymbetov Ermekbay Keulimzhaevich

Traditions of educating youth to patriotism in karakalpak folk pedagogy..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 53

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОРАЗЫМБЕТОВ ЕРМЕКБАЙ КЕУЛИМЖАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРНИ
ВАТАНПАРВАРЛИККА ТАРБИЯЛАШ АНЪАНАЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped1276 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) бажарилган ҳамда Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алеуов Усербай

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Чориев Иргаш Тураевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Адизов Бахтиёр Рахмонович

педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ да тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.П. Отемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., доцент

З.К. Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д., доцент

Т.Т. Утебаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда таълим-тарбия тизими умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида ташкил этилмоқда. Халқнинг ёш авлод тарбияси борасидаги ижод намуналари асосида таълим-тарбия ишини миллий кадриятларимизга суянган ҳолда олиб бориш бош мақсад қилиб қўйилди. Шу боис мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ҳаётида ислоҳотлар амалга оширилаётган бир шароитда, мустақиллигимизни авайлаб-асрашга хизмат қиладиган миллий мерос ва кадриятларни эъозлайдиган баркамол, етук авлодни тарбиялаш долзарб ҳисобланади.

Дунёда ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда халқнинг маданий-тарихий анъаналари, урф-одат ва миллий кадриятларига асосланган педагогик шакл ва усулларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш орқали ватанпарвар шахсни тарбиялаш устувор вазифага айланди. Ана шундай вазифаларни бажаришда халқ педагогикасининг ўрни катта аҳамиятга эга. Чунки халқ педагогикаси асрлар давомида ривожланиб халқимизнинг ҳаётий тушунчалари, таълим-тарбиявий тажрибаларини акс эттиради ва ёшларнинг маънавий турмушини издан чиқаришга қаратилган турли бузғунчи ғояларга қарши кураша олувчи ватанпарварлик туйғуси билан яшовчи, мустақил фикрга эга ёшларни тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим устувор вазифалар амалга оширилган бўлса, мазкур стратегиянинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон қадри учун” тамойили юксак даражада эътироф этилган² ва ундаги вазифалар ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган. Айниқса, стратегиянинг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланган IV бандининг 70-мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масаласи кун тартибидаги асосий вазифа этиб белгиланган. Унда, ёшларни ватанпарварлик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялашга алоҳида урғу берилган. Бу ўз навбатида, таълим-тарбия мазмунини янги талаблар асосида амалга оширишни, бутун дунё ҳамжамияти эътиборини ўзига жалб этган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони

қорақалпоқ халқ педагогикаси анъаналари асосида ёшларни ҳар томонлама ривожланган, соғлом ва ватанпарвар этиб тарбиялашни тақозо этади.

Халқ педагогикасининг асосий мақсади миллий тарбияни амалга ошириш ва миллатга хос бўлган урф-одатлар, анъаналар ва халқ оғзаки ижодидаги меросларни ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш бўлиб, унда халқимизнинг маънавий-маърифий, ахлоқий, меҳнат, иқтисодиёт, инсонийлик, дўстлик, ватанпарварлик, ботирлик, қахрамонлик ҳақидаги таълим-тарбиявий билимлари тўпланган. Шунингдек, халқ педагогикаси халқимизнинг турмуш-тарзини акс эттириб, ижтимоий ҳодисаларни тарихий манбалар билан ўзаро боғлайди. Шу нуқтаи назардан халқ педагогикасида ватанпарварлик анъаналари тарбиянинг илдизи сифатида ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ватанпарварлик тарбия миллий ўзликни англаш, одоб-ахлоқ, инсонийлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ва ақл тарбияси билан қиёсий равишда педагогик жиҳатдан П.Абдимуратов, У.Алеуов, И.Алланиязов, Ж.Базарбаев, А.Бекимбетова, Г.Бекимбетова, А.Ережепов, Г.Жумашева, З.Қурбаниязова, А.Пазылов, С.Романова, А.Тажимуратов, А.Тилегенов, Р.Торежанова, С.Сайтбекова, Т.Сапарбаев, У.Сейтжанова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида тадқиқ қилинган. Лекин ёшларга ватанпарварлик тарбия бериш анъаналари уларнинг тадқиқотларида умумий асосда ўрганилиб, махсус мавзу объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Ватанпарварлик тарбия масаласи қорақалпоқ халқ оғзаки ижодиёти воситаси сифатида филологик жиҳатдан Қ.Айымбетов, К.Алламбергенов, А.Алымов, С.Бауеддинова, С.Бахадырова, Н.Даўқараев, Қ.Мақсетов, К.Мамбетов, Қ.Мамбетназаров, К.Палымбетов, И.Сағыйтов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

Ёшларда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий-маданий мерос, халқ оғзаки ижодиёти, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ва миллий кадриятларнинг тарбиявий хусусиятлари бўйича У.Абдувахобов, А.Абдуллаев, Т.Абдуллаев, М.Аброров, Х.Алимов, А.Авлоний, Ш.Бахранов, Х.Бобомирзаев, Х.Бобоев, Т.Жавлиев, У.Жуманазаров, А.Зуннунов, М.Инамова, М.Қурононов, Р.Маматқулова, Г.И.Махмутова, У.И.Маҳкамов, З.Миртурсунов, М.Ж.Муталипова, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, Д.Рузиева, Г.Хайдарова ва ҳақозо олимларнинг тадқиқотларида ҳар томонлама теран талқин этилган.

Мазкур муааммо доирасида бир қатор олимлар И.Абдиримова, Э.Абдуманнотов, М.Арипова, Ш.Атаджонова, Э.Калканов, Т.Примов, Ж.Рахимов, Х.Хайдаралиев, А.Узоқов, К.Усмонов, У.Шерматова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ватанпарварлик тарбияси турли йўналишларда ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.Ф.Афанасьев, Қ.Бөлеев, В.С.Виноградов, Г.Н.Волков, В.М.Жирмунский, А.Э.Измайлов, С.Т.Иманбаева, Р.Н.Кенжебаев, К.Ж.Кожаметова, Ж.Н.Қалиев, С.Қ.Қалиев, Ж.А.Қасымбеков, К.Пирлиев, А.Н.Орлова, Р.Сарсенбаев, Б.Сўлейменова, Н.И.Ханбиқов ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ёшларни халқ педагогикаси асосида ватанпарварликка тарбиялаш жиҳатларини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Ёшларда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш масалалари Ana-Maria Somîcă (Руминия), Emilio Jose Delgado Algarra (Япония), Gregory D.Gray (АҚШ), Jarosław Lisica (Польша), Karl Reichl (Германия), Kevin Mc Donough (Канада) каби хорижий олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Нукус давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида замонавий таълим-тарбияни модернизациялаш” мавзуси доирасида бажарилган. (Нукус ДПИ кенгашнинг 2015 йил 28 январдаги 8-сон баённомаси).

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш ва уни такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшларда ватанпарварлик руҳини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини педагогик жиҳатдан ўрганиш ва қорақалпоқ халқ педагогикаси анъаналарини ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясида фойдаланишнинг назарий асосларини очиқ бериш;

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларда ватанпарварликни шакллантиришга доир педагогик имкониятларини асослаш;

тарихий ёндашув орқали ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш компонентлари, мезонлари ва омилларини аниқлаш;

тажриба-синов ишлари натижалари ватанпарварликка тарбиялашнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш масаласи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга ватанпарварлик тарбия бериш мазмуни, компонентлари, модел, шакл, усул ва воситалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик эксперимент, кузатиш, сўровнома, суҳбат, бахс-мунозара, математик-статистик таҳлил усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш тузилмаси, “ватанпарварлик онг + ватанпарварлик тушунча + ватанпарварлик хулқ-атвор” интеграцияси тарихийлик, узлуксизлик, мантиқийлик миллий ва умуминсоний тамойиллар, ватанпарварликни ривожлантирувчи (ватани севиш, она тили, миллати, миллий урф-одат ва анъаналарига садоқат) омиллар, ватанпарварлик таксономияси ва уни шакллантириш кўрсаткичларининг назарий асослари такомиллаштирилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси воситалари ёрдамида ёшларда ватанпарварлик компетенцияларини шакллантириш фольклор намуналари, когнитив, аксиологик, мотивацион, хулқ-атвор компонентлар, дарсдан ташқари (анжуман, учрашув, суҳбат, бахс-мунозара) таълим шакллари, анъанавий ва интерактив усуллар, ватанпарварликни мустаҳкамлаш парадигмаси коммуникатив, креатив, рефлексив, конструктив ва дидактик ёндашувлар ҳамда педагогик омиллар асосида аниқлаштирилган;

халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялашда тарихий ёндашув, билим, тасаввур, онг, масъулият, миллий урф-одатлар, анъаналар “таълим муассасалари–оила–маҳалла” ҳамкорлиги, рационал, прагматик омиллар, муаммоли, эвристик, интеграцион компонентлар, ватанпарварликни ривожлантиришнинг мотивацион ва адаптив кўринишларини таълим-тарбия жараёнида қўллашга доир методик имкониятлар асосланган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш натижадорлигини ошириш механизмлари ва мезонлари (масъулият, бурч, фидоийлик, мардлик, садоқатлик) тажриба-синов ишлари жараёнида, дарсдан ташқари ташкил этилган махсус курс иши мазмунида халқ ижодиёти манбаларига компетенциявий ёндашув орқали таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларда ватанпарварликни шакллантиришга доир муаммолар тарихий-педагогик аспектда ўрганилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ватанпарварликни шакллантиришга боғлиқ “Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш анъаналари” номли махсус дастур ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси олий таълим муассасаларида амалиётга тадбиқ қилинган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларда ватанпарварлик тушунчаларини такомиллаштиришга доир шакл ва усуллар, илмий-методик тавсиялар ишланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган муаммога педагогик жиҳатдан ёндашилганлиги, ёшларда ватанпарварликни шакллантириш педагогик тадқиқотларга асосланганлиги, қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларга ватанпарварлик тарбия бериш мазмуни, педагогик хусусиятлари, компонентлари, сифат кўрсаткичларининг аниқланганлиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик статистик усуллар асосида аниқлаштирилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий иш натижалари халқ педагогикаси асосида ёшларда ватанпарварликни шакллантириш муаммоси қиёсий таҳлил этилганлиги, ёшларда ватанпарварликни шакллантириш компонентлари аниқланганлиги, модел яратилганлиги, ёшларда ватанпарварликни шакллантиришга боғлиқ омилларнинг кўрсатилганлиги, дарс ва дарсдан ташқари вақтларда ёшларда ватанпарварликни шакллантириш усулларининг аниқланганлиги, ёшларда қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ватанпарварликни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари кўрсатилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари қорақалпоқ халқ педагогикасининг ёшларда ватанпарварликни шакллантиришга боғлиқ анъаналарнинг педагогик жиҳатдан тадқиқ қилинганлиги, дарс ва дарсдан ташқари вақтларида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш усулларининг ишлаб чиқилганлиги, қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларда ватанпарварликни шакллантиришнинг педагогик имкониятларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан халқ педагогикасига доир фан дастурлари, ўқув қўлланмалар, методик кўрсатмалар яратиш маънавий-маърифий тадбирларни шунингдек, оммавий ахборот саҳифаларида махсус кўрсатувлар, эшиттиришлар, рукнлар ташкил этиш, “Халқ педагогикаси”, “Оила педагогикаси”, “Педагогика”, “Қорақалпоқ адабиёти”, “Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди”, “Қорақалпоғистон тарихи” фанларини ўқитиш ва “Тарбия” фани дарсларини ташкил этиш жараёнларида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ёшларни ватанпарварликка тарбиялашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш моҳияти, “ватанпарварлик онг + ватанпарварлик тушунча + ватанпарварлик хулқ-атвор” интеграцияси, ватанпарварликни белгиловчи мезонлар ва уни ривожлантирувчи тасниф ва тамойиллар ҳамда зарур ҳаётий билим, кўникма, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг назарий асосларини шакллантиришга доир тақлиф ва тавсиялардан “Тарбия” фанини ўқитиш технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 25 майдаги 01/11-02/02-750-сон маълумотномаси).

Натижада, “Тарбия” фани дарсларида ватанпарварлик тарбия беришга оид шакл, усуллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

қорақалпақ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялашга оид фольклор намуналари, компонентлар, шакл, усул ва воситалар ёрдамида ватанпарварликни ривожлантириш масалаларига доир жорий қилинган илмий ишлар натижаларидан Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг А1-ХТ-0-92997 “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2012–2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасини, И1-ХТ-0-17222 “Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш” (2013–2014 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳасини (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 12 октябрдаги 198-сон маълумотномаси) амалга оширишда фойдаланилган. Натижада амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида халқ педагогикаси намуналаридаги ёшларни инсонпарвар, меҳнатсевар, одоб-ахлоқли этиб тарбиялашдаги анъаналар ҳақида тадқиқ этилган материаллари лойиҳа ишини бажаришга хизмат қилган;

ёшларни ватанпарварликка тарбиялашда тарихий ёндашув, билим, тасаввур, онг, масъулият, миллий қадриятлар асосида юксак фазилатларни шакллантиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланган IV бандининг “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” тўғрисидаги 70-мақсади вазифаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 25 майдаги 01/11-02/02-750-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришга ва уларнинг ватанпарварлик тушунчаларини тарихий ёндашиш асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш натижадорлигини ошириш механизмлари ва мезонлари (масъулият, бурч, фидойилик, мардлик, садоқатлик) халқ ижодиёти манбаларига компетенциявий ёндашувлар орқали талаба-ёшларнинг ватанпарварлик ҳақидаги тушунчалари тажриба-синов ишлари жараёнида дарсдан ташқари ташкил этилган “Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш анъаналари” номли махсус курс иши асосида такомиллаштирилган (Қорақалпоқ давлат университетининг 2021 йил 3 августдаги 01-21-04/1408-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларнинг халқимизга хос миллий урф-одатлар, анъаналар, она замин, туғилган жой, она тили, ватанга муҳаббат тушунчалари самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола: 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг асосий матни 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларда ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ёшларда ватанпарварликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уларга бу борада тарбия бериш масалалари педагогик жиҳатдан кенг ўрганилиб, тарихий манбалар орқали илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ватанпарварлик (юнонча *πατριώτης* – “ватандош”, *πατρίς* – “ватан”) – сиёсий тамойил, ижтимоий туйғу, унинг мазмуни Ватанга муҳаббат ва садоқат, унинг кечаси ва бугун билан ғурурланиш, Ватанни ҳимоя қилишга доимо тайёр туришдан иборат. **Ватан, ватанпарварлик** тўғрисида кўплаб таниқли инсонлар ўз қарашларини билдирган. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт”. В.И.Даль **“Ватанпарвар”** тушунчасига қўйидагича таъриф беради. **“Ватанпарвар** – Ватанини севадиган, унинг бойлигини ҳимоя қиладиган, азамат” деса, К.Д.Ушинский “Ғурурсиз одам бўлмаганидек, Ватанга муҳаббатсиз одам ҳам бўлмайди ва бу муҳаббат инсон қалбига тарбияни тўғри йўналтирувчи калит бўлиб, унинг ёмон иллатларга қарши

курашда кучли таянч бўлади” дейди. Академик Ж.Базарбаев “Ватан – бу инсон ва унинг ота-боболарининг киндик қони томган муқаддас даргоҳи. ...Ватан одамнинг суюнчиғи, ғурури, она каби паноҳидир. Шу туфайли биз уни онага таққослаб, Она-Ватан деймиз, у бизга она каби азиз”, деб таъкидлайди. Аммо, Ватаннинг чин фарзанди бўлиш учун уни севиш, қадрлаш ва ғурурланишнинг ўзи етмайди. Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсон унинг иқтисодий, маънавий бойликларини авайлаб-асраш, янада кўпайтириш, Ватан кудратини мустаҳкамлаш, унинг халқлар орасида обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса кўшиши зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича, **Ватанпарварлик** – кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқлар, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган, умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири, Педагогика энциклопедиясида **ватанпарварлик** – (юн. *patriotes* – *ватандош*, *patris* – *ватан*) туғилиб ўсган юрт, ватанга муҳаббат, садоқат, ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг равнақи учун хизмат қилиш, деб кўрсатилган.

Бизнинг фикримизча, **ватанпарварлик тарбияси** умумий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, халқ педагогикасида ёшларни маънавий томондан юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ғоявий, ахлоқий, жисмоний сифатларни тарбиялаш ҳамда юксак фуқаролик туйғуларини шакллантиришнинг ажойиб, ҳайратланарли намуналари мавжуд. Халқ педагогикасида асосий мақсад тарбияга қаратилган. Одам ўқиса, ўрганса, билим олади. Аммо одамда билим бўлганлиги билан, ҳамманинг ҳам тарбияси яхши бўлмайди. Ана шу тарбияни шакллантириш учун халқ педагогикаси тарбия мактаби хизматини бажаради. Халқ педагогикаси уммон кабидир. Унда тарбиянинг барча тури мужассам.

Қорақалпоқ халқ педагогикаси ёшларга ватанпарварлик тарбия беришда, **биринчидан**, ёшларни Ватанини, юртини, ерини, халқини севадиган мард азамат ва касб-ҳунарли бўлишга тарбиялаш; **иккинчидан**, ёшларни меҳнатсевар, талабчан, маъсулиятли этиб тарбиялаш; **учинчидан**, соғлом турмуш тарзи қоидасига амал қилиш; **тўртинчидан**, ёшларни инсонпарварликка, мардликка, ботирликка тарбиялаш; **бешинчидан**, ёшларга оилани муқаддас деб билишга ва уни қадрлашга тарбиялаш; **олтинчидан**, ёшларни билим олишга тарбиялаш; **еттинчидан**, ёшларга инсон ҳаётининг табиат билан чамбарчас боғлиқлигини ўргатиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Қорақалпоқ халқ педагогикасининг намуналари дастлаб “Қорақалпоқ фольклори” деган ном билан 20 жилд этиб нашрдан чиқарилди. Бугунги кунда қорақалпоқ халқ ижодиётининг олтин хазиналаридан бўлган “Қорақалпоқ фольклори”нинг 100 жилдлиги чоп этилиб, китобхонларга тақдим этилди. Мазкур нашрдан жой олган дostonлар, терма-тўлғовлар, эртақлар, нақл-мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар, халқ кўшиқлари, халқ ўйинларида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш анъаналари кенг ўрин олган. Улар ёшларни меҳнатсевар, талабчан, масъулиятли этиб вояга етказишда катта

тарбиявий аҳамиятга эга. Жумдадан, қорақалпоқ халқининг “Қырық қыз” достонида Гулайим отасидан “Мийўалы” оролини сўраб олиб, мустаҳкам кўрғон қуриб, халқ билан бирга меҳнат қилиб, кўрғонни обод қилади. Достондаги “Атаўдың бәлент жерлерин, Қос әкелип сүргизди, Шор болып қалған жерине, Ҳасыл төгин төккизди, Суўға әбден қандырып, Гүл бақшалар еккизди. Бир неше күнлер өткенде, Жыл етип, айлар жеткенде, “Мийўалы” атаў бағ болды, Жайнаған гүллер ашылды, Ишинде бүлбил сайрады, Мийўалар писип жайнады, Халқы менен Гулайым, Уллы тойды тойлады” деган сатрлар ёшларга доимо халқ билан бирга бўлишга, меҳнат қилишга, ҳаётдаги ўз ўрнини, бахтини топиш кераклиги ўргатади. Ёки “Шийрин-шийрин сөйлемек, Дананың илиминде жақсы, Баҳасы қымбат қаназат, Мәрт жигит астында жақсы, Қоңыраўлы ақ найза, Жумыры питкен билеги, Батырдың дәстинде жақсы” каби мисоллар қорақалпоқ халқининг тарбия аңаналарининг шаклланиши, унинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, тарихий ўзгаришлар, илм-фан, маданиятнинг ривожланиши билан боғлиқ эканлиги тадқиқот ишида ақс эттирилган.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида “Ата журт – алтын бесик”, “Ўатан от басынан басланады”, “Жаўға жанынды берсең де, арыңды берме”, “Ўатан ушын отқа түс, арың ушын жан бер”, “Ер жигит ели ушын туўылады, ели ушын өледі”, “Өнери жоқ кисиниң, мазасы жоқ исиниң”, “Усталы ел дүзелер”, “Жигит болсаң қайың бол, ҳәр бир иске тайың бол” каби педагогик қарашлар ёшларни ўз Ватанини, юртини, ерини, халқини севадиган касб-хунарли азамат бўлишга ундайди. Бундан ташқари қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни билим олишга тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. “Билим – таўсылмас кән, өнер – өлмес мийрас”, “Ақыл көпке жеткизер, өнер көкке жеткизер”, “Оқыў – билим булағы, Билим – өмир шырағы” деб халқимиз билим олиш, хунар эгаллашни тирикчиликнинг мезони, ҳаёт шамчироғи деб билган. Бу қорақалпоқ терма-тўлғовларидан кенг ўрин олган “Бир дегенде не жаман” тўлғовида ўз аксини топган. “Бир дегенде не жаман, Билимсиз өскен ул жаман, Екиленши не жаман, Елеўсиз өскен қыз жаман. Үш дегенде не жаман, Үшкисиз пишкен тон жаман, Төрт дегенде не жаман, Төрелесип барғанда, Төрелигин бузған бий жаман” каби сатрлар орқали ёшларни илимли, билимли, одил, ақлли бўлишга чорлайдилар. Ёки “Атам күйеў болған жер, Анам келин болған жер, Ийилип сәлем берген жер” деб ватаннинг муқаддас эканлиги, унинг равнақи, келажаги учун курашиш бурч эканлиги алоҳида таъкидланади.

Қорақалпоқ халқининг ота-боболар қахрамонлиги орқали ёшларни тарбиялаш аңаналари асрдан асрга давом этиб келмоқда. Қорақалпоқ халқининг қонида буюклик, қахрамонлик ва мардликнинг нишонлари бор. Мустақиллик байроғини кўкларга кўтариб, элнинг, халқнинг тинчлигини, бирлигини ҳимоя қилган Тўмарис, Спитамен, Широқ, Едиге, Нураддин ботир, Орманбет бий, Сасиқ (Сас) бий, Жалантўс ботир, Маман бий, Айдос бий, Бегис ботир, Миржик ботир, Ерназар (Олакўз) бий, Аллаяр Досназаров каби халқ ботирларнинг қахрамонликлари тарихда муҳрланиб, ёшларга намуна бўлмоқда. Айниқса, қорақалпоқ давлатчилигини тиклаган Ерназар (Олакўз) бийнинг қахрамонликларини қорақалпоқ халқининг бугунги авлоди бўлмиш

Ўғил-қизларни ватанпарварликка тарбиялашнинг ажойиб бир намунаси деб баҳолаш лозим. Шунингдек, халқимизнинг мустақиллиги учун курашиб, жонини фидо қилган қанчадан-қанча ботирларнинг қаҳрамонликлари бугунги ёшлар онгида акс садо бермоқда. Шундай экан, халқ қаҳрамонларини ёд қилиб, уларни хотирлаб, доимий равишда турли тадбирларни ташкил этиб бориш ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Кўплаб хорижий давлатларда халқ ботирларининг ҳайкаллари хиёбонлар, кўчалар, бозорлар, дам олиш масканларида қўйилган. Бундай усуллардан Ўзбекистон шароитида кенг фойдаланиш, ўсиб келаётган ёшларда ватанпарварликнинг ривожланишига таъсир қилиши аниқ.

Бундай фикрни келтиришимизнинг сабаби, тинчлик шароитидаги ватанпарварликнинг моҳиятини кўрсатишдир. Бунга шунчаки кундалик ҳаётдаги майда-шуйда нарса деб қараб бўлмайди. Бугунги ватанпарварликнинг асосий кўриниши – халқимизнинг ўз она тилида мулоқотда бўлиши, фарзандларига ўзига хос миллий тарбия бериши, миллий хулқ-атвори шакллантириш, иззат, ҳурмат, меҳр-оқибат каби туйғуларни ривожлантириш, кўча, маҳаллаларга халқ қаҳрамонларининг исмларини қўйиш, миллий маданиятни ҳурмат этиш, қорақалпоқ халқининг маданий меросларини тарғиб қилиш ва ҳоказолар. Улардан энг муҳими – ўз миллати билан фахрланиш орқали ўзга миллат вакилларига ҳурмат кўрсатиш ва республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг Ўзбекистонни “ўз Ватаним” деб чин дилдан севиши билан асосланади.

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси ва ютуқларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот ишида ёшларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси ва ютуқларини ўрганишга эътибор қаратилди. Жумладан, Япония, Америка, Германия, Сербия, Англия давлатларида ватанпарварлик тарбия қиёсий ўрганилган.

Албатта, хорижий илғор тажрибалардан ўрнак олиб, ўзлигимизга хос равишда тарихий анъана ва бой маданий-маънавий кадриятлар асосида ёшларни тарбияласак, уларда ватанпарварлик туйғуси кучли бўлади.

Шу нуқтаи назардан, **биринчидан**, халқимизнинг тарихини мукаммал ўрганиш, **иккинчидан**, халқимизнинг шон-шарафли ўтмиши, кадриятлари, ахлоқ-одоб фазилатларини билиш; **учинчидан**, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган маънавий тадбирларни ташкил этиш; **тўртинчидан**, ватанпарварликка ундовчи сифатли кинофильмлар ва мультфильмлар, тарихий бадиий асарлар яратиш ва қадимда яшаб ўтган буюк шахсларни, Ватан учун жонини фидо қилган ботирларнинг қаҳрамонликларини тарғиб қилиш лозим.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, ватанпарварликни шакллантиришда ёшлар ўзларида қўйидаги фазилатларни жамлаб, шахсий сифатларини таркиб топтиради.

Мардлик, ботирлик, қаҳрамонлик ва садоқатлилик;

Ҳалол меҳнат қилиш, одоб-ахлоқли бўлиш;

Ватаннинг моддий ва маънавий бойликларни асраш;

Миллий ғурур, миллий ўзликни англаш.

Ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш ижтимоий зарурият бўлиб, муаммонинг ҳал этилиши жараёнида миллатнинг бирлиги таъминланади ва унинг халқаро майдондаги обрўси кўтарилади. Айниқса, ватанпарварликни такомиллаштириш усуллари таълим-тарбиявий ишлар мазмунида қўллаш орқали ёшларда халқимизнинг маданияти, тарихи ва урф-одат анъаналари моҳиятини ёритувчи маънавий, ижтимоий-сиёсий майдонда ўз истаклари билан иштирок этишларига эришамиз.

Ёшларга ватанпарварлик тарбия бериш имкониятларини самарали амалга ошириш, уларнинг ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш, мустақил ҳаракат қилиш ва мулоқот қобилиятларини оширишга боғлиқ таснифда қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш имкониятлари ҳисобга олинган. (1-жадвал)

1-жадвалда акс қилганидек, қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялашга мўлжалланган тасниф, ёшларни яхши хулқ-атворга йўналтириб, уларнинг ватанпарварлик ҳақидаги билимларини кенгайтиради ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уни ҳаётий тажриба билан боғлайди.

1-жадвал

Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш таснифи

Ватанпарварлик тарбия таснифи	Асосий мазмун-моҳияти	Натижа
Таълим-тарбиявий қарашлар	Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга ватанпарварлик тарбия беришга оид таълим-тарбиявий қарашлар.	Ёшларга халқимизнинг тарихи, ўтмиши билан чуқур танишишга ва ватанпарварликни онгли равшда ҳис қилишга ёрдам беради.
Халқ оғзаки ижодиёти	Таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида халқ оғзаки ижодиётидаги ёшларга ватанпарварлик тарбия бериш масалаларини таҳлил қилиш ва уларда билим ва кўникмаларни шакллантириш.	Халқ оғзаки ижодиётидаги ватанпарварлик тарбиясига доир маълумотлар ўзлаштирилади ва миллий ўзликни англаш ҳис туйғулари ривожланади ҳамда ватанпарварликка оид тушунчалар шаклланади.
Мардлик, қаҳрамонлик, жанговарлик анъаналари	Қорақалпоқ халқ педагогикаси намуналарида акс этган мардлик, қаҳрамонлик, жанговарлик анъаналаридан ватанпарварлик тарбияни шакллантиришда фойдаланиш	Халқ педагогикасидаги мардлик, қаҳрамонлик ва жанговарлик анъаналари асосида ёшлар ватанпарварлик тарбия ҳақидаги билимларни эгаллайди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бундай вазифаларни самарали амалга оширишда халқ педагогикаси намуналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Халқ педагогикасининг таъсир кучи, унинг яшовчанлиги, тарбиявий манбаларга бой эканлигини куйидагича баҳолаш мумкин.

халқ педагогикасининг беқиёслиги, таъсирчанлиги, серқирра ва сермаънолиги;

халқ педагогикасининг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт давомида яратилганлиги ва ҳаётий муаммоларни ўз ичига қамраб олганлиги;

халқ педагогикасининг умумбашарий йўналиш ва ғоя-мақсадларга қаратилганлиги.

Шу боис, қорақалпоқ халқ педагогикаси ўзининг йўналиши, ибратли ишларга бойлиги, бебаҳо ижоди, маъно-манتيқ жиҳатдан мукамаллиги, теранлиги, услуби ва одобномаси билан ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир. Бугунги кунда таълим-тарбия самарадорлигига эришишда оила ва таълим муассасаларида халқ педагогикасининг намуналаридан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялашнинг шакл ва усуллари”** деб номланиб, унда ёшларнинг ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган. Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясини ривожлантиришнинг манбалари ҳамда ватанпарварлик тарбияни амалга оширишнинг шакл ва усуллари кўрсатилган, ватанпарварликнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни алоҳида эканлиги мисоллар билан берилган.

Жумладан, тадқиқот ишида тарих тўфонларига бардош бериб, тажриба синовларидан муваффақиятли ўтиб, тобланиб, сайқаллашиб, ҳар бир даврда қанчалик оғир, мураккаб бўлмасин барибир таълим-тарбия жараёнида фаол хизмат қилиб, авлодлар камолоти борасида асосий вазифани бажариб келаётирган қорақалпоқ халқининг “Алпамыс”, “Қырық қыз”, “Қоблан”, “Мэспатша”, “Едиге”, “Шәръяр”, “Ер Зийўар”, “Ер Қосай”, “Ер Шора”, “Бозуғлан” каби достонлари, “Абат батыр”, “Батыр бала”, “Қудабай мерген”, “Қыран”, “Төрт Абдулла”, “Қуламерген”, “Айыўлы Алпан”, “Әдил патша”, “Ақ кеўилли жигит”, “Ақыллы бала”, “Қубылы батыр”, “Орал батыр”, “Түлбүлбил”, “Баяўлы Арыс”, “Тыйын”, “Ақыллы қыз” каби эртаклари, “Ер туўған жерине”, “Ердиң сәни ел болар, Елдиң сәни жер болар, Жердиң сәни суў болар”, “Елди сүйген елге дос”, “Ер жигит ели ушын туўылады, ели ушын өледі” каби нақл-мақоллари, “Бир дегенде не жаман”, “Ата дәркар жигитке”, “Жақсы”, “Жақсы-жаман”, “Яранлар”, “Жигирма бес”, “Досларым”, “Мақтанба”, “Суў ишер”, “Жигит болсаң” каби яратилган терма-тўлғовларида, шунингдек, ижодлари халқ мулкига айланган Сопаслы Сыпыра жиров, Асан қайғи, Жийренше чечан, Доспанбет жиров, Муйтен жиров, Жийен жировларнинг асарларидаги ёшларни киндик қони томган ери учун, ардоқлаб ўстирган юрти учун курашадиган, Ватанни чин дилдан севадиган, мард, жасур фарзандлар этиб тарбиялашнинг турли шакл ва усуллари кенг таҳлил қилинган.

Ёшларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш манбаи мураккаб, қарама-қаршилиқларга эга бўлиб, ватанпарварликнинг барча таркибий бўлақларини ўз ичига олади. Тадқиқотимиз давомида олиб борилган изланишлар ва тўпланган тажрибалар асосида қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга ватанпарварлик тарбия беришнинг модели яратилди.

2-жадвал

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш модели

Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш модели														
Мақсади	Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни халқимизнинг тарихи, қахрамонлик анъаналари билан таништириш, уларни ўз халқини, Ватанини севадиган, уни ҳимоя қилишга, бирдамлик ва тинчликни асрашга масъулиятли азамат этиб тарбиялаш													
Вазифалари	Халқ педагогикаси орқали ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш; Халқ педагогикасидан ҳаётий фаолиятида фойдаланишга тарбиялаш													
Тамойиллар		Мазмуни												
таълим муассасаси, оила ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг боғлиқлиги; маданий ва миллий анъаналарига содиқлик; тарихийлик, узлуксизлик, мантиқийлик миллий ва умуминсоний.		<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <th style="width: 50%; text-align: center;">Ўқув жараёнида</th> <th style="width: 50%; text-align: center;">Тарбия жараёнида</th> </tr> <tr> <td>Бадий ва тарихий асарлар, семинарлар, конференциялар, мустақил ишлар, танловлар.</td> <td>Учрашувлар, экскурсиялар, мусобақалар, кўргазмалар, тарихий фильмлар.</td> </tr> </table>	Ўқув жараёнида	Тарбия жараёнида	Бадий ва тарихий асарлар, семинарлар, конференциялар, мустақил ишлар, танловлар.	Учрашувлар, экскурсиялар, мусобақалар, кўргазмалар, тарихий фильмлар.								
Ўқув жараёнида	Тарбия жараёнида													
Бадий ва тарихий асарлар, семинарлар, конференциялар, мустақил ишлар, танловлар.	Учрашувлар, экскурсиялар, мусобақалар, кўргазмалар, тарихий фильмлар.													
Усуллари	Ишонтириш, кузатиш, рағбатлантириш, ўртак кўрсатиш, суҳбатлашиш, мунозара, тренинг, мотивация, сўровнома													
Воситалари	Сўз, фаолият, ўйин, фольклор, бадий ва тарихий адабиётлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, тарихий манбалар													
Манбалари	Урф-одатлар, анъаналар, иримлар, миллий маросимлар, эртақлар, ривоятлар, афсоналар, терма тўлғовлар, нақл-мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар, халқ кўшиқлари, халқ ўйинлари, дostonлар, чечанлик сўзлар, айтишувлар, халқ хунармандчилиги, панду-насихат													
Шакллари	Дарслар, тарбиявий соатлар, учрашувлар, суҳбатлар, конференциялар, экскурсиялар, мусобақалар, танловлар, китоблар ўқиш ва муҳокама қилиш, тарихий фильмлар, миллий ўйинлар ташкил этиш, жамоавий-ижодий ишлар													
Ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш компонентлари														
<table style="width: 100%; border: none;"> <tr> <td style="width: 33%; text-align: center;">Мотивацион</td> <td style="width: 33%; text-align: center;">Когнитив</td> <td style="width: 33%; text-align: center;">Хулқ-атвор</td> </tr> <tr> <td style="text-align: center;">←</td> <td style="text-align: center;">→</td> <td style="text-align: center;">←</td> </tr> </table>			Мотивацион	Когнитив	Хулқ-атвор	←	→	←						
Мотивацион	Когнитив	Хулқ-атвор												
←	→	←												
Ватанпарварлик хусусиятлари-нинг шаклланиш даражалари:														
<table style="width: 100%; border: none;"> <tr> <td style="width: 33%;"></td> <td style="width: 33%; text-align: center;">Паст</td> <td style="width: 33%; text-align: center;">Ўрта</td> <td style="width: 33%;"></td> </tr> <tr> <td style="text-align: center;">←</td> <td style="text-align: center;">→</td> <td style="text-align: center;">→</td> <td style="text-align: center;">→</td> </tr> <tr> <td colspan="4" style="text-align: center;">ШАХС</td> </tr> </table>				Паст	Ўрта		←	→	→	→	ШАХС			
	Паст	Ўрта												
←	→	→	→											
ШАХС														
<table style="width: 100%; border: none;"> <tr> <td style="width: 33%;"></td> <td style="width: 33%; text-align: center;">Қадрлаши керак</td> <td style="width: 33%;"></td> </tr> <tr> <td style="text-align: center;">←</td> <td style="text-align: center;">↕</td> <td style="text-align: center;">→</td> </tr> <tr> <td style="text-align: center;">Билиши керак</td> <td style="text-align: center;">ШАХС</td> <td style="text-align: center;">Танлаши керак</td> </tr> </table>				Қадрлаши керак		←	↕	→	Билиши керак	ШАХС	Танлаши керак			
	Қадрлаши керак													
←	↕	→												
Билиши керак	ШАХС	Танлаши керак												
Она тилини, тарихини, шажарасини, урф-одат ва анъаналарини, уруғларини (уруғлар)	Ватани, халқи, ота юрти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, халқ ботирларини, қахрамонлари давлат рамзлари	Ватанини, халқини, она тилини, миллийлигини, маданиятини, урф-одат ва анъаналарини												
НАТИЖА														
Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида тарбияланган, қорақалпоқ миллатига хос фазилатларни ўзида мужассам этган, Ватанини, халқини, ерини севадиган, унинг келажаги учун қайғурадиган ватанпарвар шахс														

Ватанпарварлик онгнинг фаоллиги, унинг янгиланиб турадиган функцияси, кўп ҳолатларда Ўзбекистоннинг ватанпарварлик тарбиясига боғлиқ. Олиб борилаётган педагогик изланишларда ёшларни ватанпарварликка тарбиялашнинг назарий йўналишлари кенг доирада айтилмай келаётганлиги маълум. Бу ватанпарварлик тарбия масаласига эътибор паст даражада эканлигини кўрсатади. Ватанпарварлик атроф-муҳитдаги воқеаларга тадқиқий қараб, ватанимизнинг равнақига салбий таъсир кўрсатадиган ҳаракатлардан

суринмай ўтишдир. Халқимизнинг ютуқларини, моддий ва маданий бойлигини сақламай, тарихий ёдгарликларини эъзозламай, Ватан ва ватандошлар олдидаги ўз бурчини тушунмай, уни ўзлаштириш мумкин эмас.

Ёшларда ватанпарварлик онгни шакллантиришда биз фақатгина йиғилишлар ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, халқ орасига кириб, амалий ишларни ҳам амалга ошириш керак. Ёшлар асосий куч. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Мамлакатимизда ватанпарварлик тарбиянинг тизими тузилиб, айниқса, ватанпарварликни такомиллаштиришдаги роли ҳақиқий баҳоланиши зарур. Шу ўринда биз томондан тавсия қилинаётган “Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш анъаналари” мавзусидаги махсус курс республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида ўқитилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, таълим-тарбия дастурлари миллий хусусиятларга мос келишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Она (хорижий) тил, адабиёт, тарих, мусиқа, санъат, меҳнат, жисмоний тарбия каби каби фанлар миллий хусусиятларга асосланиши шарт. Бошқа фанлар дастурлари ва дарсликлариди ҳам миллий тарбиянинг намуналари акс этмоғи керак.

Бугунги кунда ёшларга ватанпарварлик тарбия бериш борасида таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишларни халқ педагогикаси асосида янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Бунда ёшларни ватанпарварликка тарбиялашнинг асосий йўналишлари ва усуллари қуйидагилардан иборат:

ёш оилалар билан биргаликда конференциялар, викториналар, ижодий семинарлар, фото ва видео лойиҳалар, оилавий журналлар, спорт мусобақалари каби тадбирларни ташкил этиш;

уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам бериш, улар билан суҳбатлар, учрашувлар, концертлар, хотира кечаларини ўтказиш;

музейларга экскурсиялар, табиат бағрига саёҳатлар қилиш;

кўرғазмалар, жамоат арбоблари, таниқли ёзувчилар, журналистлар билан учрашувлар ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.

